
Ўқув семинар ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 апрелдаги 12/1 410-сонли "2023-2025 йилларга мўлжалланган "Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи" умумиллий ҳаракатини амалга ошириш тўғрисида"ги дастури ижросини таъминлаш юзасидан оила ва хотин-қизлар Қува туман бўлими ва туман тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда ўқув семинар бўлиб ўтди.

Мазкур семинарда туман ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи М.Холматова, ТТБ координатори Ҳ.Қаюмова, ТТБ соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш бўлими бошлиғи М.Қурбонов, бўлим шифокори Н.Холмирзаева, туман ИИБ ХПМБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектор, лейтенант З.Умаржонова, маҳалла фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар фаоллари ҳамда 2-КТМП ходимлари иштирок этдилар.

Семинар кун тартибида тумандаги "Ўзбекистон" МФЙ ва 2-КТМП ҳамкорлигида "Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи"ни аҳоли ўртасида тарғиботидаги ҳамкорлиги борасида олиб борилган ишлар наъмуна сифатида кўрсатилди.

2023-06-03 18:32:01